

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ПОЭТИК ИЖОДИДА ДОСТОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Э.Насруллаев

### Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган лирик жанрларидан бири - достон ва унинг мавзу кўлами, гоявий асослари, бахшичиллик мактаблари ҳақида маълумотлар берилган.

### Аннотация

В статье представлены сведения об одном из широко распространенных лирических жанров узбекского народного устного творчества – поэме, ее тематическом масштабе, идейной основе, школе сказителя - бахши.

### Annotation

In this article information for one of the uzbek oral folk creative work widespread genres – poem, it's thematic scale, the message principle, school of story-tellers are given.

**Таянч сўз ва иборалар:** достон, бахши, анъана, бадиият, қўшиқ ва айтимлар, мусиқа асбоблари, этномаданий жараён, ўзбек халқ оғзаки ижоди, маданий ҳаёт.

**Ключевые слова и выражения:** поэма, сказитель, традиция, художественность, песни и сказания, музыкальные инструменты, этнокультурный процесс, узбекское устное народное творчество, культурная жизнь.

**Key words and expressions:** poem, story-teller, tradition, artistic, songs and stories, musical instruments, ethnic cultural process, uzbek oral folk creative work, cultural life.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган лиро-эпик жанрларидан бири достон бўлиб, унинг юзага келиши ҳалқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий қарашлари, адолат, тенглик, озодлик, ҳақиқат учун курашлари билан бевосита боғлиқдир. Узоқ асрлик анъаналар эса достонларнинг мавзу кўлами, ғаявий асоси, образлар тизими, сюжет ва композицион қурилишида ўз ифодасини топгандир. Достончилик анъаналари Марказий Осиё ҳалқлари, хусусан миллый маънавий маданиятизмизда алоҳида ўринга эгадир. Достон куйлаш, яъни достончилик санъати Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Фарғона водийсининг айрим туманларида кенг тарқалган. Бу санъат турини Тожикистаннинг жанубий худудлари, Қозогистон, Қирғизистон ва Туркманистанда ҳам учратиш мумкин. Масалан, “Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек-лақай бахшилари репертуари, бадиий тасвир воситалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларига эга. Бу бахшилар Данғара туманининг Жорибқўл қишлоғи билан боғлиқ. Бу ерда XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Ҳайбат Шамол ўғли, Қундуз соқи деган машҳур достончилар ўтган. Ҳозир ҳам уларнинг давомчилари бор. Ўзбек-лақай бахшилари

репертуарининг асосий қисмини “Гўрўғли” достонлари туркуми ташкил этади” (1.202).

XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларидаги достончилик мактаблари ўзига хос жиҳатлари, мавзулар кўлами билан ажралиб турган. Достон куйлаш, терма ва айтимлар ўтмишда Ўзбекистоннинг тоғли ва дашт туманлари, шаҳар ва қишлоқларида машҳур бўлиб, ҳалқимиз томонидан севиб тингланган. Бахшилар томонидан дўмбира созига жўр бўлиб айтилган “Гулихиромон”, “Ойпарча”, “Ойчинор”, “Ойсулув”, “Мулла савдогар”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли”, “Келиной”, “Дастагул”, “Нурали ва Қори Аҳмад”, “Алпомиш” достонлари бахшилар томонидан муттасил куйланган.

Марказий Осиё ҳалқлари достончилик санъатидаги муштараклик шундан иборатки, бахшилар қўшиқ ва айтимларни маҳсус мусиқа асбоблари орқали, яъни “соз”, “чанқовуз” жўрлигига ҳам куйлаганлар. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Манас” достонлари тўйларда, базмларда, сайлларда, айтишувларда тингланган. Ушбу асарларни “поэтик ижод намунаси сифатидагина эмас, тарихий этнографик манба” сифатида тадқик этиш бугуннинг муҳим масаласидир (2.15). Ушбу достонларда муайян ҳалқнинг турмуш тарзи, унинг озодлик, эркинлик, биродарлик,

Э.Насруллаев – Жиззах ДПИ бошлангич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi.

ватанпарварлик, инсонпарварлик, босқинчиларга нисбатан чексиз нафрат ғоялари етакчилик қиласи. Достонларни маҳорат билан ижро этган бахшишоирларни халқ эъзозлаган. Айниқса, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ҳайбат Шамол ўғли, Қундуз соқи каби машхур достончиларни халқ бахшилари, деб атаган; Шерназар шоир Сурхондарё ва Қашқадарё, ҳатто Туркманистоннинг айрим шаҳар ва қишлоқларида, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг эса Нурота, Хатирчи, Қўшработ, Фориш туманларида номи кенг ёйилган. Шунингдек, Тилла кампир, Султон кампир, Холмон бахши, Бўрон шоир, Жоссоқ, Хонимжон, Биби шоира, Амин бахши, Султон мурод, Қурбонбек, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Мулла Холназар, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан

Жонмурод ўғли, Ислом Назар ўғли каби бахшилар қадими достончилик анъаналарини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Кўплаб жойлар ва кишилар номларининг достонлар билан уйғун аталиши ҳам мазкур худудларда достончилик анъаналари мавжудлигини кўрсатади. Масалан, “Алпомишнинг шоҳи”, “Бойчиборнинг оҳури” деб номланган жойларнинг, Бойбўри, Бойчибор, Барчин, Ойсулов каби кишилар исмининг учраши фикримиз далилидир.

Хуллас, достонлар турли этнослар ўртасида узоқ йиллар давомида таркиб топган ва давом этаётган этномаданий жараёнлар маҳсали бўлиб, уларда кишиларнинг орзу-умидлари, миллий ва умумбашарий қарашлари ўз ифодасини топган.

**Адабиётлар:**

1. Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
2. Соколова В.К. Фольклор как историко-этнографический источник // Сов. этнография. – М., 1960. - № 4.

(Тақризчи: А.Сабирдинов, филология фанлари доктори).